

Ҳаммамиз вафот этамиз



11:00 / 17.11.2020 3103

Ўлимнинг аҳамияти ҳаётникидан кам эмас. Олимлар ушбу ҳақиқатни таъкидлаб, «Ўлим ҳаётнинг давом этиши учун зарурий нарсадир» дейдилар.

АҚШнинг Принстон университети профессорларидан бири «Абадий яшашга бўлган ҳар қандай уриниш табиатга тескари юришдир. Чунки ўлим тамоман борлиқ низомига ҳамоҳангдир. Бу ҳар бир нарсанинг бошланиши ва тугаши бордир деган низомдир. Биз ўз генларимизни келгуси авлодга мерос қилиб қолдирамиз. Агар биз ўлмасак, гўдақларимиз билан ҳаёт учун курашиб юрамиз. Бу эса яхши иш эмас» деган.

Олимлар бу борадаги тадқиқотлардан сўнг «Бу дунёда абадий қолиш амалий жиҳатдан амримаҳолдир» деган хулосани эълон қилишган. Баъзи олимлар умрни узайтириш борасидаги тадқиқотларни давом эттириб, бундай муваффақиятсиз уринишларга миллиардларни сарфлаган бўлсалар-да, буларнинг бари самарасиз якунланган. Шундай қилиб, илмий ҳақиқат – ўлимни тўхтатиб қолиш ва уни бошқариш мумкин эмас! Истисносиз барча инсонлар ўладилар. Танамиздаги хужайраларда шундай дастур борки, бу дастур хужайранинг умрини, бўлинишини ва ўлишини идора қилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

تُرْجَعُونَ إِلَيْنَا مَوْتِ ذَائِقَةَ نَفْسِ كُلِّ

«Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир. Сўнгра Бизгагина қайтарилурсиз»
(Анкабут сураси, 57-оят)

Роббимиз бошқа бир оятда бундай марҳамат қилган:

وَالْإِكْرَامِ الْجَلِيلِ ذُو رَبِّكَ وَجْهٌ وَيَبْقَى ﴿٢٦﴾ فَإِنَّ عَلَيْهَا مِنْ كُلِّ

«(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Улуғлик ва икром эгаси
Роббингнинг Ўзигина боқийдир» (Ар-Роҳман сураси, 26-27-оятлар)

Барҳаёт, ўлмайдиган Зот покдир!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади